

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ИНСТИУТИ



ЎФИТ ҚҮЛЛАШ ТИЗИМИ

фанидан амалий машғулотларни бажариш

**ИШ Дафтари**

Самарқанд 2008

**ТУЗУВЧИЛАР;**

Хайитов М.А - қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент  
Назаров О.М. – катта ўқитувчи  
Машрабов М.И. - асистент

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Мўминов К.М. - қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор  
Самарқанд қишлоқ хўжалик институти  
Абдурахимов М. - қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент  
Самарқанд Давлат Университети

Иш дафтари Агрокимё, тупроқшунослик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кафедрасининг \_\_\_\_ сонли «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2008 й. ҳамда Агрономия факултети услугбий кенгаши томонидан \_\_\_\_ сонли «\_\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2008 йил баённомалари билан мақулланган.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий – услугбий кенгаш иш дафтари сифатида нашрга тавсия этган («\_\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2008 й.\_\_\_\_ сонли баённома).

Самарқанд 2008 йил.

## КИРИШ.

Мазкур иш дафтари агрономия факултетининг IV-курс талабаларига «Ўғит қўллаш тизими» фанини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Иш дафтари ушбу фанни биринчи амалий машғулотида тарқатилади ва фанни ўзлаштиришнинг охирида талабаларда қолдирилади.

Материаллар баён этиш ҳажми ва изчиллиги 5620100 - агрокимё ва агротупроқшунослик йўналиши талабалари учун белгиланган иш дастури ва календар режаларига мувофиқ келади. Амалий машғулотларни бажариш талабаларнинг ўғит қўллаш бўйича курс лойиҳаларини бажаришга тайёргарлик кўриши ва келажакдаги амалий фаолиятларида ёрдам беради.

Иш дафтарида 9 та амалий иш киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири умумий ягона режа билан изоҳланади: яъни ишнинг мақсади, ўрганилаётган мавзу бўйича қисқача маълумот, ишни олиб бориш тартиби (зарур, жадвалларни тўлатиш), дарсларга керакли ашё ва ускуналар тури кўрсатилган.

Машғулотларни бажаришга тайёргарлик кўриш жараёнида талабалар маъруза материаллари, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлардан фойдаланадилар.

### Амалий машғулот мавзулари мазмуни ва ҳажми

№	Амалий машғулот мавзулари	Соатлар
1.	Экинларга бериладиган ўғит меъёрини элементар баланс усулида хисоблаш	4
2.	Режалаштириладиган қўшимча ҳосил учун ўғит меъёрини белгилаш	4
3.	Минерал ўғитлар меъёрини меъёрий мувозанатлаш (норматив баланс)	4
4.	усулида аниқлаш	
4.	Минерал меъёрларини белгилашда уйғунлаштирилган усулдан фойдаланиш	4
5.	Етти далали алмашлаб экишда ғўза учун ўғитлаш тизимини ишлаш	4
6.	Ғўза-беда алмашлаб экиш схемалари учун ўғитлаш тизимини ишлаш	8
7.	Хўжаликдаги чорва моллари сони ва турини билган ҳолда, йил давомида тўпланадиган гўнг миқдорини хисоблаш	4
8.	Ўғит қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги	4
9.	Ўғит қўллашни йиллик ва календар режасини тузиш	8
ЖАМИ:		44

#### 1- ИШ. Экинларга бериладиган ўғит меъёрини элементар баланс усулида хисоблаш (4 соат)

**Ишнинг мақсади:** Қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган ўғитлар миқдорини

режалаштирилган ҳосил асосида баланс усулида аниқлаш мүмкін. Мазкур усул асосида ҳосилнің шаклланиши учун сарфланадиган озиқ элементлари ҳамда тупроқ ва ўғит таркибидан ўзлаштириладиган озиқ элементлари миқдорини таққослаш ётади. Бу мавзуда талабаларга элементтар баланс усулида ўғит мөйөрини аниқлайды.

**Иини бажарии тартиби:** ушбу усул билан ўғитлар мөйөрини аниқлашда талаба қуидагиларга эътибор қаратиши зарур.

Асосий маҳсулот томонидан озиқ элементларини ўзлаштириши (бу кўрсатгич 1-чи иловадан ёки адабиётлардан олинади).

*1-илюва,*

Айрим экинлар томонидан ҳосил бирлиги (тн) билан  
тупроқдан олиб кетиладиган азот, фосфор ва калийнинг  
тахминий миқдори, кг\га.

Экин тури	Асосий Маҳсулот	Асосий маҳсулот билан (оралиқ маҳсулот ҳам хисобда) чиқиб кетадиган		
		Азот	Фосфор	Калий
1	2	3	4	5
Кузги буғдой	Дон	35	12	26
Кузги жавдар	Дон	30	12	28
Баҳорги буғдой	Дон	38	12	25
Арпа	Дон	27	11	24
Маккажӯхори	Дон	34	12	37
Сули	Дон	30	13	29
Тариқ	Дон	33	10	34
Гречиха	Дон	30	15	40
Ўрис нўхат	Дон	30	16	20
Кунгабоқар	Ургуғ	60	26	180
Зигир	Тола	80	40	70
Экинбоп наша	Поя	15	7	12
	Тола	200	60	100
Фўза	Тола	45	15	50
Картошка: Эртаги	Тугунак	5	1,5	7
Кечки	Тугунак	6	2	9
Қанд лавлаги	Илдиз мева	6	2	7,5
Маккажӯхори	Кўк масса	2,5	1,2	4,5
Карам	Карам бош	3,4	1,3	4,4
Сабзи	Илдиз мева	3,2	1,2	5,0

Хўраки лавлаги	Илдиз мева	2,7	1.5	4,3
Помидор	Мева	3,2	1.1	4,0
Бодринг	Мева	2,8	1,4	4,4
Пиёз	Пиёз бош	3,7	1,3	4,0
Мевали дарахтлар	Мева-чева	5,0	3,0	6,0
Ток	Узум	1,7	1,4	5,0

Хайдалма қатламдаги ҳаракатчан шаклдаги озиқ элементлар миқдорини билиши керак. Бу катталик озиқ элементларнинг агрокимёвий хаританомадаги миқдорини (мг/кг) 3 коэффициентга кўпайтириш йўли билан топилади. Масалан: бир кг тупроқда 45 мг ҳаракатчан фосфор мавжуд бўлса, унинг ҳайдалма қатламдаги умумий миқдори 135 кг/га ни ( $45 \times 3$ ) ташкил этади.

Ўсимликлар томонидан тупроқдан ва қўлланилган ўғит таркибидан озиқ моддаларни ўзлаштириш коэффициентини билиш керак бўлади (Бу маълумот -лар 2 – иловада келтирилган).

2 – илова

**Ўғитлар таркибидан озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши  
коэффициентлари (П.М.Смирнов маълумоти)**

Ўғит тури	Йиллар	Азот	Фосфор	Калий
<b>Ўғит кам ва ўртача меъёрда киритилганда</b>				
Гўнг	1-йил	20-25	25-30	50-60
	2-йил	20	10-15	10-15
	3-йил	10	5	-
	Ротация давомида	50-55-	40-50	60-75
Минерал ўғит	1-йил	60-70	15-20	50-60
	2-йил	-	10 15	15-20
	3-йил	-	5	-
	Ротация давомида	60-70	30-40	65-80
<b>Ўғит юқори меъёрда киритилганда</b>				
Гўнг	1-йил	15-20	15-20	40-50
	2-йил	15	10	10
	3-йил	10	5	-
	Ротация давомида	40-45	30-40	50-60
Минерал ўғит	1-йил	45-55	10-15	40-50
	2-йил	-	5-10	10-15
	3-йил	-	5	-
	Ротация давомида	45-55	20-30	50-65

Талаба хўжалик маълумотлари ва адабиётларга асосланган ҳолда элементар баланс усулида икки экин тури учун (пахта, донли экин) ўғитлар меъёрини 1-жадвал ёрдамида хисоблаб чиқиш керак.

1- жадвал:

Режалаштирилган ҳосил учун ўғитлар меъёрини хисоблаш.

№	Кўрсаткичлар	Донли экин		Қатор ораси ишланадиган экин		
		Хосилдорлик ц/га				
		N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O	N	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>

1.	10 ц асосий ҳосил билан ўзлаштирилган озиқ модда, (кг/га)					
2.	Режалаштирилган ҳосил билан ўзлаштирилган озиқ модда, (кг/га)					
3.	Тупроқдаги озиқ модда миқдори, (мг/кг)					
4.	Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори, (кг/га)					
5.	Ўсимлик томонидан тупроқдан озиқ моддаларни ўзлаштириши, (%)					
6.	Ўсимлик томонидан тупроқдан ўзлаштирилган озиқ моддалар, (кг/га)					
7.	1 га ерга бериладиган гўнг миқдори, (тн)					
8.	Гўнг таркибидаги озиқ моддаларни ўзлаштирилиши, %					
9.	Ўсимликни гўнг таркибидан озиқ моддаларни ўзлаштириши, (кг/га)					
10	Минерал ўғит ҳолида бериш керак (кг/га)					
11	Минерал ўғитлардан озиқ моддаларнинг ўзлаштириши, %					
12	Ўзлаштириш кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда бериладиган ўғит меъёри (кг/га)					

**Керакли материаллар:** Ҳаракатчан озиқ моддалар миқдорини кўрсатувчи агрокимёвий хаританома, микрокалькулятор, адабиётлар: 1,4,7.

## 2- ИШ. Режалаштириладиган қўшимча ҳосил учун ўғит меъёрини белгилаш (4 соат)

**Ишининг мақсади:** Етиштириладиган ҳосил (ц/га) ҳисобига қанча миқдорда озиқ элементлар сарфланиши зарурлиги ҳақидада маълумотларга асосланиб, режалаштириладиган қўшимча ҳосилни ҳисобга олган ҳолда тупроқдан чиқиб кетадиган озиқ моддалар миқдори белгиланади. Қўшимча ҳосил учун ўғитлардаги озиқ моддалар миқдори тупроқ унумдорлигига тузатиш киритиб ва ўғит таркибидаги озиқ моддалардан фойдаланиш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқлананишини талабаларга ўргатиш мавзуу мақсади ҳисобланади.

**Ишини бажаралиши тартиби:** Режалаштирилган қўшимча ҳосил бўйича ўғит меъёрини аниқлашда қўйидаги формула қўл келади:

$$M_{(NPK)} = \frac{100 * (X_p - X_a) * \chi * C}{K_У}$$

бу ерда:

$M_{(NPK)}$  - ўғит меъёри, кг/га

$X_p$  - режалаштирилган ҳосил, ц/га

Ха - амалдаги ўртача ҳосил, ц/га

Ч - ҳосил бирлиги ( $m$ ) билан олиб кетиладиган озиқ моддалар миқдори, кг

С - тупроқнинг агрокимёвий хоссалари асосида киритиладиган тузатиш коэффициенти.

Кўз - ўғит таркибидаги озиқ моддаларининг ўзлаштирилиш коэффициенти, фоиз.

Ҳосил бирлигини шакллантириш учун сарфланадиган озиқ элементлари асосида режалаштирилган қўшимча ҳосил билан олиб кетиладиган миқдори топилади. Қўшимча ҳосил олиш учун лозим бўладиган ўғитдаги озиқ элементларининг миқдори тупроқ унумдорлигига тузатиш киритиш ва ўғитдаги озиқ моддаларининг ўзлаштирилиш коэффициентини ҳисобга олиш йўли билан аниқланади. Бажарилган ишнинг якуни 2 - жадвалга ёзилади.

2 - жадвал

Режалаштирилган қўшимча ҳосил асосида ўғитлар  
меъёрини аниқлаш.

№	Кўрсатгичлар	Ғўза	Маккажўхори
1.	Режалаштирилган ҳосил , ц/га		
2.	Амалдаги ҳосилдорлик , ц/га		
3.	Қўшимча ҳосил, ц/га		
4.	Ҳосил билан олиб кетиладиган озиқ моддалар, кг/т		
5.	Қўшимча ҳосил билан олиб кетиладиган озиқ моддалар, кг/га		
6.	Қўшимча ҳосил учун керак бўладиган ўғит, кг		
7.	Ўғитлардан озиқ элементларини 1-йилдаги ўзлаштирилиш коэффициенти, % (К-1)		
8.	К-1 га асосан киритиладиган ўғит миқдори, кг		
9.	Ўғитлардаги озиқ моддалари миқдори, %		
10.	9-бандга асосан киритиладиган ўғит миқдори , кг/га		
11.	Тупроқни озиқ моддалари билан таъминланганлиги		
12.	Таъминланиш даражасига кўра ўғит меъёрини тузатиш		
13.	Агрокимёвий хаританома асосида тавсия этиладиган ўғит меъёри , кг/га		

**Керакли материаллар:** Кейинги 3 йил ичида экинларнинг ҳақиқий ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар, ўсимликларнинг тупроқ ва ўғитлар таркибидаги озиқ моддалардан фойдаланиш коэффициенти бўйича маълумотлар, микрокалькулятор, адабиётлар: 1,2,4,5.

### 3- ИШ. Минерал ўғитлар меъёрини меъёрий мувозанатлаш (норматив баланс) усулида аниқлаш (4 соат)

**Ишнинг мақсади:** Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори **кирим ва чиқим** қисмлардан иборат. Кирим қисми ўз ичига тупроққа ўғит, уруғ ва атмасферадан тушадиган озиқ моддаларни олса ,чиқим қисми тупроқдан чиқиб кетадиган озиқ моддалардан ташкил топади. Тўлиқ (ёки экологик ) ва хўжалик мувозанат бир-биридан фарқланади. Мувозанат ижобий (тупроққа тушадиган озиқ моддалар чиқиб кетадигандан кўп), салбий (чиқиб кетадиган ва ювиладиган озиқ моддалар келиб тушадигандан кўп) дефицитсиз (чиқим ва кирим тенг) бўлиши мумкин. Мазкур мавзуда талабаларга ўғит меъёрини норматив баланс усулида ҳисоблашни ўргатиш асосий мақсад ҳисобланади.

**Ишни бажарии тартиби:** Тўлиқ мувозанат хам қишлоқ хўжалик экинлари ўғитлардан озиқ элементларни ҳақиқатда қанча миқдорда ўзлаштирганлигини кўрсатмайди.

Бу усул ўғитлар чекланган миқдорда ишлатилганда, ҳосил асосан тупроқ унумдорлиги ва биологик азот ҳисобига етишганда тупроқдан сарфланган ва унга қўшилган озиқ элементлар миқдорини баҳолашда кўл келади.

Алмашлаб экишда озиқ моддалар реал мувозанатини баҳолаш учун экинларнинг ротация давомида ўғитлардан озиқ элементларни ўзлаштириш даражасини, алмашлаб экишнинг айрим звеноларида мувозанатни баҳолашда дастлабки 3 йилда солинган маҳаллий ва минерал ўғитлардаги озиқ элементлардан фойдаланиш коэффициентларини ҳисобга олиш лозим.

Минерал ўғит меъёрини айни усулда аниқлашни картошка мисолида (куйидаги илова қилинган жадвалда) кўриб чиқамиз (ҳосилдорлик - 20 т/га),

Илова-3

№	Кўсатгичлар	N	P	K
1	2	3	4	5
1.	Режалаштирилган, ҳосил билан озиқ моддаларнинг чиқиб кетиши, кг	120	40	180
2.	Алмашлаб экиш даврида озиқ моддалар мувозанати, чиқиб кетадиганга нисбатан % да.	130	200	120
3.	Мувозанатга киритиладиган тузатишлар асосида режадаги ҳосил учун керак бўладиган озиқ моддалар, кг/га	120*30 ----- = 156 100	40*200 ----- = 80 100	180*120 ----- = 216 100
4.	Кўп йиллик ўтлар ангиз ва илдиз қолдикларининг таъсири (1 га майдонга 120 кг азот), кг	36(Кт=30%)	-	-
5.	Минерал ўғитларнинг кейинги таъсири (N <sub>50</sub> P <sub>8</sub> O <sub>80</sub> ), кг	-	24(Кт=30%)	24(Кт=30%)
6.	30 т гўнгнинг 1-йилдаги таъсири (N90; P45; K20), кг	36(Кт=40%)	29(Кт=65%)	96(Кт=80%)
7.	Минерал ўғит ҳисобида керак бўладиган озиқ моддалар, кг	156-72=84	80-53=27	216-120=96
8.	1-йилдаги таксимланиш коэффиценти, (Кт)	100	55	70
9.	Кт ни ҳисобга олган ҳолда солинадиган ўғит меъёри, кг/га	84*100 ----- = 84 100	27*100 ----- = 55 80	96*100 ----- = 140 70

**Топширик:** Турли экинлар учун меъёрий мувозанат усулида ўғит меъёрини ҳисоблаш.

Жадвал-3

№	Кўрсатгичлар	N	P	K
1.	Режалаштирилган ҳосил билан озиқ моддаларни чиқиб кетиши, кг			

2.	Алмашлаб экиш даврида озиқ моддалр мувозанати ,чиқиб кетганга нисбатан % да			
3.	Мувозанатга киритилдиагн тузатишлар асосида режадаги ҳосил учун керак бўладиган озиқ моддалар , кг/га			
4.	Кўп йиллик ўтлар анғиз ва илдиз қолдиқларини таъсири (1га макйонга 120кг азот), кг			
5.	Минерал ўғитларнинг кейинги таъсири (N-50 P- 80 K- 80) кг			
6.	30 т гўнгнинг 1-йилдаги таъсири (N-90 P-45 K-120), кг			
7.	Минерал ўғит ҳисобида керак бўладиган озиқ моддалар , кг			
8.	1-йилдаги тақсимланиш коэффиценти, (Кт)			
9.	Кт ни ҳисобга олган ҳолда солинадиган ўғит меъёри, кг/га			

**Керакли материаллар:** Агрокимёвий хаританома ва хўжаликни дала тупроқ харитаси. Кейинги З йил ичидаги экинларни ҳақиқий ҳосилдорлиги ҳақида маълумотлар. Норматив материаллар. Микрокалкулятор: Адабиётлар 4,5,6,7.

#### **4-ИШ. Минерал ўғит меъёрларини белгилашда уйғунлаштирилган усулдан фойдаланиш (давомийлиги 4 соат)**

**Ишиинг максади:** Режалаштирилган ҳосилни етиштиришда тупроқининг озиқ элементлари билан таъминланганлиги, бонитировка балли, ўғитлар устида ўтказилган тажрибаларнинг натижалари, ўтмишдош экин ва тупроқдинг бир қатор хоссаларини ҳисобга олган ҳолда ўғит меъёрини белгилаш,

**Ишини бажаршии тартиби:** Бунда қуидаги тартибда иш юритилади:

**1. Ҳосилдорлик белгиланади:**

$$X_p * B_{bp}$$

$$X = \dots$$

$$B_{yr}$$

бу ерда:

X - муайян суғориладиган пайкал учун ҳисобланган ҳосил,  $\psi/га$

$X_p$  - режалаштирилган ҳосил,  $\psi/га$

B<sub>bp</sub> - суғориладиган пайкални бонитировка балли

B<sub>yr</sub> - хўжалик учун чиқарилган ўртacha бонитировка балли

Ўртacha бонитировка балли (B<sub>yr</sub>) қуидагича ҳисобланади.

$$\frac{B_{bp} * S_1 + B_{bp} * S_2 + \dots + B_{bp} * S_n}{S_1 + S_2 + \dots + S_n}$$

Бу ерда-

$S_1 + S_2 + \dots + S_n$  – суғориладиган пайкаллар юзаси,  $га$

**2. Тупроқ учун ўртacha коэффициент (Кт) аниқлапади:**

$$K_t * K_{gt} * K_m * K_{sh} * K_y * K_e * K_{tek} * K_{sh} * K_c$$

Мазкур коэффициентларнинг изохи ва катталиклари З-чи иловада ўз ифодасини

топган.

### 3-ИЛОВА.

Азот мөйөрини аниқлаш учун тупроқ хоссалари асосида киритиладитан тузатиш коэффициентлари.

Күрсаткычлар	Азот мөйөрини тузатиш учун коэффициентлар
1	2
Тупроқ типи Ктт) Типик бўз тупроқлар минтақаси.	
Типик бўз тупроқлар	1,0
Ўтлоқи-бўз тупроқлар	1,0
Оч тусли ўтлоқи тупроқлар	0,95
Тўқ тусли (саз) ўтлоқи тупроқлар	0,86
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	0,86
Оч тусли бўз тупроқлар минтақаси	
Оч тусли бўз тупроқлар	1,07
Бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар	1,07
Оч тусли ўтлоқи тупроқлар	1,0
Тук. Тусли ўтлоқи тупроқлар	0,95
Ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар	0,95
Чўл минтақаси	
Сур тусли қўнғир тупроқлар	1,15
Чўлнинг кумли тупроқлари	1,15
Тақирли тупроқлар	1,10
Ўтлоқи – тақирли тупроқлар	1,10
Ўтлоқи тупроқлар	1,05
Ботқоқ – ўтлоқи тупроқлар	1,0
Ўзлаштирилиш муддати (Кўм)	
3 йилгача	1,20
3 йилдан 5 йилгача	1,10
10 йилдан зиёд	1,0
Эрозия даражаси (Эд)	
Эрозияга учрамаган	1,0
Кучсиз ювилган	1,10
Ўртча ювилган	1,20
Кучли ювилган	1,30
Шўрланиш (Кш)	

Шўрланмаган	1,0
Кучсиз шўрланган ( $2500 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда бир марта ювиш керак)	1,10
Ўртacha шўрланган ( $5000 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда бир марта ювиш керак миқдорда икки марта ювиш керак)	1,20
Кучли шўрланган $7500 \text{ м}^3/\text{га}$ миқдорда уч марта ювиш керак)	1,30
Механикавий таркиби (Км)	
Лойли	1,0
Оғир қумоқли	1,05
Ўрта қумоқли	1,10
Енгил қўмоқли	1,15
Кумлоқ	1,20
Қумли	1,25
Шағалли қатлам чуқурлиги (Кшқ)	
0-30	1,40
30-50	1,30
50-100	1,20
100-200	1,0
Скелетлиги (Кс)	
Кучсиз скелетли (10%)	1,10
Ўртacha скелетли (10-20%)	1,20
Кучли скелетли (20-50%)	1,30
Жуда кучли скелетли (50 % дан кўп)	1,40
Текисланганлиги (Кт)	
25 – 50 см қатлам қирилган	1,20
Ўтмишдош экин (Кўэ)	
Бедапоя бузилгандан кейин 1 - йил	0,70
Бедапоя бузилгандан кейин 2 – йил	0,80
Бедапоя бузилгандан кейин 3 – йил	0,90
Ундан кейин барча экинлар учун	1,0

**3. Топилган маълумотлар қуйидаги формулага қўйилади:**

## **M<sub>п</sub> = X \* Ч<sub>п</sub> \* K<sub>т</sub> \* K<sub>ўэ</sub> \* K<sub>и</sub>**

бу ерда:

M<sub>п</sub> - азотни хисоблаб топиладиган мөъёри, кг/га

X - режалаштирилган ҳосил, т/га.

Ч<sub>п</sub>- 1 т ҳосил учун сарфланадиган азот миқдори, кг/га (1 чи илова)

K<sub>т</sub> - тупроқ учун умумлаштирилган коэффициент

K<sub>ўэ</sub> - ўтмишдош экин учун коэффициент

K<sub>и</sub> - ишлаб чиқариш шароити учун коэффициент (1,20)

Азот мөъёри асосида фосфор ва калийнинг мөъёрлари осонлик билан хисоблаб топилади:

N : P : K = 1 : 1,5 : 1 беда поя бузилгач 1 - йилда

1 : 1 : 1 - “ - 2 -йилда

1 : 0,7 : 0,5 - “ - 3 ва кейинги йилларда ёки

$$A. Mp = Mn * K_p$$

$M_k = M_N \cdot K_k$  формулалар ёрдамида фосфор ва калий мөъёрлари аниқланади.

Формуладаги Кр ва K<sub>к</sub> лар (фосфор ва калий учун тузатиш коэффициентлари) қуйдагича хисобланади.

Kр к 1,375-0,01667 \* C<sub>P</sub>

K к к 1,375 -0,0025\* C<sub>k</sub>

бу ерда: Ср ва С<sub>к</sub> лар тупроқнинг харакатчан фосфор ва калий билаи таъминланганлиги.

**Керакли материаллар:** Агрокимёвий хаританома ва хўжаликнинг дала туроқ харитаси. Кейинги 3 йил ичида экинларнинг ҳақиқий ҳосилдорлиги ҳақидаги маълумотномалар. Норматив материаллар. Микрокалькулятор, Адабиётлар 4, 5, 6, 7.

### **5-ИШ. 9 далали алмашлаб экишда ғўза учун ўғитлаш тизимини ишлаш (4 соат)**

**Ишининг мақсади:** Алмашлаб экиш шароитида ғўзадан мўл ҳосил олиш учун энг мақбул ўғит мөъерини, қўллаш муддатларини белгилашни ўргатиши.

**Ишини баъжарии тартиби:** Ғўза алмашлаб экишга кирадиган барча экинлар учун ўғитлаш тизими ишлаб чиқилиши лозим. Аввало пахта учун 9 далали алмашлаб экиш схемаси режалаштириб олинади. Ўтмишдош экин сифатида кўп ҳолларда беда, дуккакли-дон экинлари билан: банд бўлган шудгор ва ғўзанинг ўзи танланади. Беда уч йилдан сўнг бузилади ва ўрнига сурункасига 4 йил пахта экилади.

Агар экинларнинг навбатланишини:

1, Беда; 2. Беда; 3. Беда; 4. Ғўза; 5. Ғўза; 6. Ғўза; 7. Ғўза; 8. Ғўза; 9. Ғўза деб олсак ушбу экинлар учун ўғит мөъёри ва қўллаш муддатларини ишлаб чиқиш зарур. Мисол учун Самарқанд вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлар шароитида бедапоя бузилган йилнинг ўзида ғўза экилганда, азотнинг энг мақбул мөъёри гектарига 100-120 кг деб топилган. Келтирилган азот мөъёрига 100 кг фосфор ва 100 кг калий қўшиб ишлатилганда толанинг технологик хусусиятлари яхшиланган. Сурункасига 3-4 йил ғўза экилгандан кейин тупроқка киритиладиган азотнинг йиллик мөъёри 30-35 фоизга кўпайтирилади.

Азотли ўғитнинг йиллик мөъёри бўлиб-бўлиб экиш олдидан ва қўшимча озиқлантиришда берилади. Асосий ўғитлаш аммиак шаклидаги азотнинг нитрификацияланишини камайтириш мақсадида экиш олдидан берилади. Бунда йиллик азот мөъерининг 1/2 - 2/3 қисми культиватор ёки дискали тирма ёрдамида тупроқнинг

8-10 см чукурлигига киритилади. Азотли ўғитнинг қолган қисми 1-3 марта қўшимча озиқлантириш йўли билан берилади. Кўп ҳолларда қўшимча озиқлантириш икки муддатда -2-3 чин барг ва ҳосил тўпланиш даврида ўтказилади.

Алмашлаб экиш шароитида фосфорли ўғитлар азотли ўғитлар билан биргаликда қўлланилса яхши самара беради. Фосфорнииг йиллик меъёри қўпинча тўлалигича шудгор остига киритилади. Айрим мутахассислар фосфор йиллик меъёрини  $1/2 - 2/3$  қисмини шудгор остига, қолган қисмини тупланиш даврида қўшимча озиқлантириш сифатида киритиш тарафдоридир.

Калийли ўғит микдори тўлалигича тупроқни асосий ишлов вақтида киртилади. Талаба юқорида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб 7 далали алмашлаб экишда пахта учун ўғитлаш тизимини ишлаб чиқиб 4-жадвални тўлдириши лозим.

#### 4 - жадвал

9 далали алмашлаб экишда ғўза учун ўғитлаш тизими

Экинларнинг навбатланиши	Асосий ўғитлаш				Қўшимча озиқлантириш		
	гўнг	азот	фосфор	калий	азот	фосфор	калий
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
6.							
7.							
8.							
9							
10							

**Керакли материаллар:** Минерал ўғитлардан табақалаштирилган ҳолда фойдаланиш бўйича режа-тавсиялар, ўқув адабиётлар, хисоблаш техникаси.

#### 6-ИШ. Ғўза - беда алмашлаб экиш схемалари учун ўғитлаш тизимини ишлаш (8 соат).

**Ишининг мақсади:** Талабаларни хўжаликларда ғўза-беда алмашлаб экишда ўғитларни қўллашнинг илмий асосланган усууллари билан танишириш. Талаба олдига ғўзани ўғитлаш системаси ва уни қўллаш режасини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилади.

#### Азотли ўғитларни қўллаш режаси.

**Ишини бажарииш тартиби:** Талаба ишни азотли ўғитларни қўллаш режасидан бошлайди. Режалаштирилаётган ҳосил учун зарур бўлган азотли ўғитлар меъёри баланс - хисоб усули билан топилади. Аввал биологик меъёр хисоблаб чиқилади, сўнгра тупроқ типига қараб тузатма коэффицентлар орқали ва агротехник фон (ғўза ўтмишдошлари) га караб, 4-илова хисобларга тузатишлар қилинади.

Баланс хисоби формуласига қўра азот меъёрини топиш:

$$(B-B) * 5 \\ A = \frac{40}{-----} * 100 \text{ ёки } A = (B-B) * 12,5;$$

бу ерда: А - азотнинг биологик нормаси, кг/га;

В - ғўза ҳосилдорлиги, ц/га;

в - тупроқ унумдорлиги ва ерга илгари берилган ўғитлар хисобига олинган пахта ҳосили (ҳосилдорлик 20-30; 30-40; 40-50; 50-60 ва 60 ц/га дан юқори бўлганда, бу рақам 5-10; 10-12,5; 12,5-15,0; 15,0-20,0 ва 30 ц/га ни ташкил этади).

Масалан, ғўза ҳосилдорлиги 35 ц/га бўлганда тупроқ унумдорлиги хисобига олинган ҳосил гектарига 12 центнерни ташкил қиласди.

5 - 1 ц пахта ҳосил қилиш учун сарфланадиган азот, кг;

40 - ғўзанинг ўғитдаги азотдан фойдаланиш коэффициенти, %

100 - константа.

*4 - илова*

**Суғориладиган ерларда агротехник фонга кўра азотли ўғитларни табақалаштириб режалаштириш ва қўллаш бўйича тузатма коэффициентлар**

Агрофон	Ҳосилдорлик ц/га	Азот меъёри, кг/га	Тузатма коэффициент	Табақалаштирилган азот меъёри, кг/га
Маккажўхоридан кейин	30	250	1,2	300
Қатлами ағдариб ҳайдалган бедапоя	30	250	0,6	150
Ағдарма қатлами юзага чиқарип ҳайдалган бедапоя	30	250	0,8	200
Учинчи ва кейинги йиллар	30	250	1,0	250

Ғўза ҳосилдорлиги 30ц/га бўлганда азотнинг биологик меъёри 250 кг/га { $A=(30-10):1,25 = 250$ } ни ташкил этади. Шу сабабли 5-жадвалга бу кўрсаткични ёзиб қўямиз. Сўнgra уни 3 ва 4-иловалардаги тузатма коэффициентлар ёрдамида табақалаштириш зарур. Бизнинг мисолимизда тупроқ - типик бўз тупроқ, ғўздан кейин ҳайдалган, бедапоя ҳайдалганидан кейин 6 йил муддат ўтган. 30 ц/га ҳосилдорлик учун азотнинг биологик меъёри 250 кг/га. Тузатма коэффициентни эътиборга олган ҳолда бундай тупроқ учун азотнинг табақалаштирилган меъёри  $250 \cdot 1 = 250$  кг/га, агротехник фон ҳам хисобга олинганда  $250:1 = 250$  кг/га бўлади. Талабақалаштирилган азот меъёрини аниқлаганимиздан кейин уни 5-жадвалга ёзиб қўямиз ва бу миқдорни ерга солиш муддатларига қараб тақсимлашга ўтамиз.

Одатда азотли ўғитлар бўлиб-бўлиб: экишгача, экиш вақтида ва ўсимликни парваришилаш - ўсув даврларида солинади. Экишга кадар солинган ўғитларнинг самарадорлиги жуда ўзгарувчан бўлиб, иқлим ва тупроқ минтақасининг агротехник шароитларига боғлиқдир.

Тупроқ типларига қараб йиллик азот меъёрининг 25-30 фоизини экиш олдидан бериш лозим.

Шўрланган тупроқларда, кузги шудгордан кейин шўр ювиш ўтқазиладиган бўлса, азот экишдан олдин, ерни чизеллаш пайтида берилади. Экиш вақтида бериладиган азот меъёри 20-25 кг/га дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Озиқлантиришлар сони йиллик азот меъёри ва тупроқ шароитларига боғлиқ одатда қўшимча озиқлантириш қуйидаги муддатларда: 2-3 чин барг, шоналаш; гуллаш - қўсак

туғиши фазаларыда амалға ошириләди. Ҳар бир озиқлантиришда азот меъёри тұзаны биологик әхтиёжларига қараб табақалаштирилади.

Йиллик азот меъёрига қараб биринчи ва иккінчи озиқлантиришларда 50 дан 75  $\text{кг/га}$  гача, учинчи озиқлантиришда 50 дан 100  $\text{кг/га}$  гача азот берилади (5-жадвал).

Азотли үғитларни құллаш бүйича тузилған режани азотли үғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш билан якунлаш керак. Дастреб ҳар бир гектар учун керак бўлган азотли үғитларга талаб аниқланади ва уни суратга ёзиб қўйилади, сўнгра дала майдонига керакли үғит миқдори тонналарда маҳражга ёзиб қўйилади. Шундан сўнг алмашлаб экиш далалари бўйича эҳтиёжлар жамланиб, үғитларнинг умумий миқдори топилади. Жадвалда қайси азотли үғитларнинг қўлланилганини кўрсатиб ўтиш зарур.

## 5 – жадАзотли ўғитларни қўллаш

## РЕЖАСИ

№	Тупроқ типи	Майдони, га	Алмашлаб экиш далалари	Режалаш- тирилган ҳосил, ц/га	Йиллик азот меъёри, кг/га	Азотни бериш муддатларига кўра тақсимлаш						
						биологик	табақалаш- тирилган	экишдан олдин	экиш вақтида	озиқлантириш		
										I	II	III
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												

5 – жадвал (давоми)

Дала №	Минерал ўғитларга эҳтиёж; суратида / кг/га, маҳражида – жами майдонга тонна ҳисобида $\text{NH}_4\text{NO}_3$ (34,6 %)
-----------	---

	экишдан олдин	экиш билан бирга	озиқлантириш			жами ўғитга ( $\text{NH}_4\text{NO}_3$ ) эҳтиёж
			I	II	III	
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
10						
жами						

### **Фосфорли ўғитларни қўллаш режаси:**

Фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорига боғлиқ шу сабабли бу ўғитлар меъёри ва уларни бериш муддатлари агрокимёвий хаританомалар асосида аниқланади.

Хўжаликда фосфорли ўғитлар қўллаш режасини тузиш учун 6-жадвални тўлдирилиши зарур. Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори бўйича маълумотлар хўжалик ёки бўлим (ширкат) нинг агрокимёвий хаританомасидан олинади ва фосфорнинг йиллик меъёри аниқланади. Бунда тупроқдаги фосфорнинг ҳамма турларини аниқлаш лозим бўлади. Биринчи навбатда фосфорнинг биологик меъёри аниқланади, сўнгра тузатма коэффициентлар билан (5-илова) табақалаштирилган меъёрлар белгиланади ва 6-жадвалга ёзилади. Фосфорнинг биологик меъёри ғўза ҳосилдорлиги ва ҳосил билан чиқиб кетадиган фосфор миқдори асосида аниқланади. 1 центнер пахта учун фосфор сарфи 1,5 кг деб қабул қилинган. 5-иловада тупроқда ҳаракатчан фосфор миқдорига ва хўжаликнинг фосфорли ўғитлар билан таъминлан-ганлигига қараб йиллик фосфор меъёрларини белгилашга мисол келтирилган. Масалан, пахта ҳосили 35 ц/га даражасида. режалаштирилган. Бундай ҳосил учун  $P_2O_5$  нинг биологик меъёри  $35 * 1,5 = 52,5 \text{ кг/га}$  ни ташкил этади.

Кейин фосфорнинг бу меъёри тузатма коэффициентлар асосида тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдорига қараб ва хўжаликдаги фосфорли ўғитлар жамғармасини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилади. Масалан: тупроқдаги фосфатлар миқдори 15 мг/кг, хўжалик фосфорли ўғитлар билан етарли таъминланган (биринчи усул бўйича). Бундай шароитларда фосфорнинг табақалаштирилган меъёри қуйидагича топилади. Фосфорнинг биологик меъёри тузатма коэффициентга кўпайтирилади (5-илова), ва  $52,5 * 5 = 262,5 \text{ кг/га}$  ни ташкил этади.

5 - илова

#### Фосфорнинг табақалаштирилган меъёрларини белгилаш

Ҳосилдорлик ц/га	Тупроқнинг фосфор билан таъминланган лик даражаси	Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори, мг/кг	Фосфорнинг биологик меъёри, кг/га	Йиллик меъёр учун тузатма коэффициент	Фосфорни табақалаштирил ган меъёрлари, кг /га
1	2	3	4	5	6
Биринчи усул (хўжалик фосфорли ўғитлар билан етарли таъминланган)					
30	Жуда паст	15 га қадар	45	5	225
30	Паст	16-30	45	4	180
30	Ўртача	31-45	45	3	135
	Етарли	46-60	45	2	90
30	Юқори таъминланган	61 ва ундан ортиқ	45	1	45
Иккинчи усул (хўжалик фосфорли ўғитлар билан ўртача таъминланган)					
30	Жуда паст	15 га қадар	45	4	180
30	Паст	16-30	45	3	135
30	Ўртача	31-45	45	2	90
30	Етарли	46 ва ундан ортиқ	45	1	45

Фосфорнинг табақалаштирилган меъерини аниқлаб, 6-жадвалга ёзилади ва ўғитни бериш муддатлари буйича тақсимлашга ўтилади.

Фосфорли ўғитларни бериш муддатларига кўра таҳсимлаш тупроқдаги ҳаракатчан фосфор микдорига қараб (6-илова) бажарилади. Масалан, тупроқда ҳаракатчан фосфор меъёри - 0 дан 15 мг/кг гача бўлса, ўғитлар уч муддатда: шудгорлашдан олдин, экиш билан бирга ва гуллаш даврида солинади.

6 — илова

Фосфор меъёрини ўғит бериш муддатларига қараб таҳсимлаш

Тупроқдаги ҳаракатчан фосфор микдори, мг/кг	Ҳосилдорл ик ү/га	Табакалаштирилган фосфор меъёри, кг/га	Фосфорни бериш муддатлари		
			Шудгорлашдан олдин	Экиш билан бирга	Гуллаш даврида
15 га кадар	30	225	140	45	40
16-30	30	180	135	45	-
31-45	30	145	135	-	-
46-60	30	90	90		-
61 ва ундан ортиқ	30	45	45	-	-

Тупроқда 16-30- мг/кг ҳаракатчан фосфор бўлганда ўғит шудгорлашдан олдин ва экиш билан бирга берилади, ҳаракатчан фосфор микдори 31 мг/кг дан ортиқ бўлган тупроқларда ўғит фақат бир марта - шудгорлашдан олдин берилади.

Кейин ўғит бериш муддатларига қараб хўжаликнинг фосфорли ўғитларга бўлган талаб элементлари аниқланади (6-жадвал): суратига 1 га майдон учун кг ларда; маҳражида жами майдон учун тонналарда.

6- жадвал

Фосфорли ўғитларни күллаш  
Р ЕЖАСИ

Дала рақами	Тупроқ номи	Алмашлаб экиш далалари	Экин майдони, га	Ҳаракатчан фосфор миқдори, мг/кг	Режалашти- рилган хосил, ψ/га	Йиллик фосфор нормаси, кг/га	
						биологик	табақалаш-тирилган
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							

6 - жадвал (давоми)

Дала рақа- ми	Үғит бериш муддатлари			Минерал үғитларга бўлган эҳтиёж: суратида -кг/га; махражида жами майдонга тонналарда..... . (P <sub>2</sub> O <sub>5</sub> ____ %)			
	шудгорлашдан олдин	экиш билай бирга	гуллаганда	шудгорлашган олдин	экиш билан бирга	ғўза гуллаганда	_____ үғитига бўлган умумий эҳтиёж
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							
жами							

7 жадвал

Калийли үғитлар қўллаш  
РЕЖАСИ  
(200 /200 ҳосили учун )

Дала номери	Тулроқ номи	Алмашлаб экиш далалари	Экин майдони, <i>га</i>	Йиллик гүнг мөйёри, <i>m/га</i>	Тупроқдаги алмашинувчан калий микдори, <i>мг/кг</i>	Режалашти- рилган ҳосил, <i>у/га</i>	Йиллик калий мөйёри
1							
2							
3							
4							
5							
6							
7							
8							
9							
10							

7-жадвал (давоми)

Дала №	Үғит бериш муддатлари		Минерал үғитларга эхтиёж: суратида <i>кг/га</i> , махражида жами майдонга <i>тонна</i> хисобида .....; ( $K_2O$ - 60 %)		
	шудгорлашдан олдин	шоналаш даврида	шудгорлашдан олдин	шоналаш даврида	калийга бўлган жами эхтиёж, <i>m.</i>
1.					

2.					
3.					
4.					
5.					
6.					
7.					
8.					
9.					
10.					
Жам и					

### Калийли ўғитларни күлгөштөрүү

Хўжаликда калийли ўғитлардан фойдаланиш режасини тузиш учун 7-жадвални тулдириш керак. Йиллик калий мөъёри режалаштирилаётган гўза ҳосилдорлиги, ҳосил билан чиқиб кетадиган калий микдори ва тупроқдаги алмашинувчан калий микдори (агрокимёвий хаританома маълумотлари асосида) назарда тутилган ҳолда белгиланади. Масалан, алмашинувчан калий микдори 0 дан 200 мг/кг бўлган шароитларда калийли ўғитлар: ўсимликлар истеъмол этадиган микдорга мос келадиган мөъёр бўйича кўлланилди (биологик мөъёр). Бунда 1 т пахта учун калий сарфи 5 кг деб белгиланади.

Агар тупроқда алмашинувчан калий микдори 200 дан 400 мг/кг гача бўлса, 1 т пахта учун биологик мөъёр 2,5 кг деб қабул қилинади. Тупроқдаги алмашинувчан калий 400 мг/кг дан ортиқ бўлса калийли ўғитлар кўлланилмайди.

Калийли ўғитлар қуидагида тақсимланади: йиллик калий мөъёри 50-75 кг/га бўлганида калийли ўғитлар шоналаш даврида; азот билан бирга, норма 75 кг/га дан ортиқ бўлганда, икки муддатда - ярми ерни ҳайдашдан олдин, ярми шоналаш даврида берилади.

Сўнгра азотли ва фосфорли ўғитларга эҳтиёжларни ҳисоблагани каби калийли ўғитларга бўлган эҳтиёжлар ҳисоблаб чиқилади ва 7-жадвалга ёзилади.

**Керакли материаллар:** Минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш бўйича тавсиялар, агрокимёвий хаританома, ҳисоблаш техникаси.

### **7-ИШ. Хўжаликдаги чорва моллари сони ва турини билган ҳолда йил давомида тўпланадиган гўнг микдорини ҳисоблаш (4 соат)**

**Ишининг мақсади:** Маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш режасини тузишдан олдин тайёрлаш имкони бўлган гўнг микдори, шунингдек турли нажас - чиқинди, гўзапоя қовчиқларидан компост тайёрлаш ва четдан гўнг келтириш имкониятлари ўрганилди.

**Ишини бажаршии, тартиби:** Жамғариш имконияти бўлган гўнг микдорини аниқлашда 1 кечакундуздада бир бош ҳайвон ёки парранда бериши мумкин бўлган тахминий гўнг микдори (мөъёри) дан фойдаланилади. Бу маълумотлар 7-иловада келтирилган.

7-илова.

Бир бош чорва ҳамда паррандадан бир кечакундуз давомида олинадиган чиқитларнинг ўртача микдори.

№	Чорва тури	1 сутка давомида қаттиқ чиқитлар, кг
1.	Қорамол	20-30
2.	От	15-20
3.	Кўй	1,5-2,5
4.	Чўчқа	1,3-3,0
5.	Парранда	0,2-0,3

8- жадвал.

№	Чорва тури	Сони	1 кечакундуз давомида	Боқи-лиш	1 бош мол берадиган гўнг	Жами молдан

		молниг хар бошига түшама меъёри, кг	даври, кун	бир кеча- кундузда, кг	боқила- диган даврда, кг	боқиши дав- рида оли- надиган гўнг, т
1	Қорамол					
2	От					
3	Қўй					
4	Чўчка					
5	Кичик ёшли чучқа					
6	Қорамол бузғи					
7	Товуқ					
8	Ўрдак					
Жами:						

Талаба гўнг жамғариш режасини 8- жадвалга мувофиқ тузиб мол боғлаб боқиладиган даврда жамгариладиган йиллик гўнг миқдори бир кеча-кундуздаги жамғаришни бир йил ёки боғлаб боқиладиган кунлар сонига купайтириб топилади. Ҳисоб-китобларда түшамани ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки гўнгнинг чиқиши түшама миқдорига ҳам боғлиқ бўлади.

Бир бош молга ишлатиладиган түшама миқдори: қорамол ёки отларга - 3 - 6 кг; бузоқларга -2 - 3 кг; қўй, она чўчқаларга, эркак ва бурдоқи чўчқаларга - .1 : 2 кг килиб белгиланади.

Гўнг чиқшини ҳисоб-китоб қилишда бир бош молдан чиқадиган ўртача бир суткалик чиқинди миқдори ва суткалик тушама миқдоридан фойдаланилади.

Хўжаликда жамғариладиган гўнг миқдорини бошқа усул билан қуйидаги формула асосида ҳам ҳисоблаш мумкин:

$$\Gamma = \left( \frac{O+T}{2} \right) * 4$$

бу ерда

Г - гўнг миқдори

О – озуқа миқдори

Т - түшама

Бир бош учун зарур бўлган озука миқдорини маълумотнома ёки молларни озиқлантириш рационидан ҳам олиш мумкин. Бу усулда ҳисоб - китоб қилинганда озуқа қуруқ моддасининг тахминан ярми ҳазм бўлади, қолган қисми гўнгга ўтиб кетади деб қаралади. Шунингдек, түшамадаги жами қуруқ модда ҳам гўнг ҳисобига ўтади. Шу сабабли янги гўнгда 1/4 қисм қуруқ модда ва 3/4 қисм сув бор, гўнгнинг умумий миқдори ( $\Gamma$ ) озуқадаги қуруқ модда ва түшаманинг ярмини формула асосида топилади.

Тупроқ фарқлари ва бошқа шароитларга қараб гўнг жамғаришнинг турли варианatlари бўлиши мумкин. Хўжаликда гўнг ёки бошқа органик ўғит биринчн навбатда кузга шудгор олдидан бир ёки икки далага 20-30 т/га миқдорида солинади ёки хўжаликда тўпланган миқдорига қараб гўнгни бу далаларда ғўза экиласидиган майдонларгагина солиш мумкин. Шунингдек ғўза-беда алмашлаб экишда бедапояни ҳайдаб экишга ҳам эътибор

берилади, ғўза такрор экиладиган майдонларда органик ўғитлар ҳар 3-4 йилда бир марта солинади.

**Керакли материаллар:** маълумотнома, ҳисоблаш техникаси, адабиётлар; 1,4,5,6.

### **8-ИШ. Ўғит қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги (4 соат)**

**Ишининг мақсади:** Экин турлари бўйича қўлланилган ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилади.

**Иини бажарии тартиби:** Алмашлаб экиш даласидаги экин турлари бўйича қўлланилган ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилади ва 9-жадвал тўлдирилади.

Жадвалдаги маълумотларни тўғрилигини асослаш учун қўйидаги кўрсаткичларни билиш керак:

- а) хўжаликда маҳсулотларни сотиш нархи ва ўғитларни сотиб олиш учун кетган харажатлар: \_\_\_\_\_

---

---

---

- б) ўғитлаш учун кетган харажат: ўғитларни хўжаликка олиб келиш, ортиш – тушириш, тайёрлаш ва ерга солиш учун сарфланган харажатлар: \_\_\_\_\_

---

---

---

- в) қўшимча ҳосилни йиғишириб олиш, уни қайта ишлаш, ортиш – тушириш ва топшириш учун сарфланган харажатлар: \_\_\_\_\_

---

---

---

9 – жадвал  
Ўғитларни қўллашнинг \_\_\_\_\_ а.э. даласида \_\_\_\_\_ фермер  
хўжалиги \_\_\_\_\_ (ўртacha 1 гектар учун) иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
1.	Экин тури	
2.	Ўғитлар берилмагандан олинган ҳосил, ц/га	
3.	Ўғит берилгандан олинган ҳосил, ц/ га	
4.	Ўғит ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, ц/ га	
5.	Кўшимча ҳосилни сотишдан олинган ялпи даромад, сўм (A)	
6.	Ўғит нархи, сўмга ўғитларни сотиб олишга кетган харажат	
7.	Ўғитни ташиб келтириш ва ортиш учун кетган харажат, сўм	
8.	Ўғитларни ерга солиш ва уни тайёрлаш харажати, сўм/га.	
9.	Ўғитлаш учун сарфланган жами харажат, сўм /га (C)	
10.	Кўшимча ҳосилни йиғишириб олиш, қайта ишлаш ва топшириш учун сарфланган харажат, сўм/га (B)	

11.	Ўғитларни қўллаш ҳисобига олинган соф даромад, сўм/га (Д).	
12.	Ўғитларни қўллаш учун сафранган харажатни қопланиши, сўм (О)	
13.	Ўғитларни қўллаш самарадорлиги (Р) %	

Ўғитларни қўллашни иқтисодий самарадорлиги қўйидаги формулалар ёрдамида ҳисоблаб топилади:

$$1) D = A - (C + B); \quad 2) O = \frac{D}{C + B} \quad 3) P = \frac{D}{C + B} \times 100 = \text{бунда},$$

D – ўғит ҳисобига олинган даромад, сўм/га.

A – Кўшимча ҳосилни сотишдан олинган ялпи даромад сўм/га.

C – Ўғитлар учун сарфланган жами харажат, сўм/га.

B – кўшимча ҳосилни йигитириб олиш ва топшириш учун сарфланган харажат, сўм/га.

P – Ўғитларни қўллашни самарадорлигини, %

O – Ўғитларни қўллаш учун сарфланган 1 сўм эвазига олинган қопланиши, сўм

**Керакли материаллар:** Ўғитларнинг нархи, маълумотномалар, ҳисоблаш техникаси, адабиётлар: 1,3,4,5.

#### 9-ИШ. Ўғит қўллашни йиллик ва календар режани тузиш.(8 соат)

**Ишининг мақсади:** Алмашлаб экишда хўжалиқда тупроқнинг умумий унумдорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли (одатда беш йиллик ёки алмашлаб экиш ротацияси бўйича) ўитлаш тизими ишлаб чиқилади. Йиллик режа тузишда ўғитлаш тизимида курсатилган ўғит меъёрига агрокимёвий хаританома маълумотига асосан, алмашлаб экишнинг ҳар қайси даласи учун ва шу йили режалаштириладиган ҳосилнинг миқдорини, шунингдек жамғариладиган органик ўғитлар миқдори ҳамда бериладиган минерал ўғитлар фонди ўзгариши эҳтимоли борлигини ҳисобга олиб тегишли ўзгаришлар киритилади. Йиллик режалар тузишда ўғитлаш муддати, ўғитнинг тури, меъёри кўрсатилиши шарт. Йиллик режага асосланиб айрим далалар, алмашлаб экиш, хўжалик бўйича ўғитга бўлган талаб ҳисоблаб чиқилади, ўғитларни келтириш муддати белгиланади, сўнг ташкилий жиҳатдан қарор қабул қилинади.

**Ишини бажарииш тартиби:** Ўғитлар қўллашнинг йиллик режаси қўйидаги шакл асосида тузилади

Ширкат, фермер хўжалиги	Алмашлаб экиш	Дала номери	Майдони, га	Тупроқнинг механик таркиби	Ўтмишдош экин	
					Экин номи	майдони, га
1	2	3	4	5	6	7

давоми

Ўтмишдош экинга солинган ўғит тури ва	Шу йили жойлаштирила диган экин	Майдони, га	Режалаш- тириладиган ҳосил, ц/га	Дала тупроғини агрокимёвий кўрсаткичлари		
				pH KCl	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O

8	9	10	11	12	13	14

Үйтлаш усулуга күра бўлган талаб, таъсир этувчи модда ҳисобида, га/кг)

давоми

## Үғит солиш режаси

1-4 графалар ердан фойдаланиш режасига, 5-графа хўжаликнинг тупроқ картасига, 6-8 графа алмашлаб экиш даласининг тарихи ёзилган китобга, 9-11 графа экинларни жойлаштириш режаси ва режалаштириладиган ҳосил, 12-14 графа агрокимёвий хаританома маълумотларига мувофиқ тўлдирилади. 15-23 графаларга муайян дала учун шу йили қанча ўғит солиниши кераклиги (тасир этувчи модда ҳисобида, *кг*) ҳақидаги аниқланган маълумотлар асосида ўғит меъёри ёзилади.

Алмашлаб экишда ўғитлаш тизимини тузиш шакли ҳам йиллик ўғитлаш режасини ёзиш шаклига ухаш, бу эса режалаштирилган ва ҳақиқатда солинган ўғитларни бир-бiri билан такқослашга имкон беради.

Эслатмада шу йилги ўғитлаш тизимида киритилгандай үзгартышларнинт сабаби ва характери күрсатилилади.

Хўжаликнинг минерал ўғитларга бўлган умумий талаби барча алмашлаб экиш тизими, ўтлоқ-яйловлар ва бошқа ерлар бўйича ўғитлаш тизими маълумотларига асосланаб белгиланади. Олинган маълумотлар ўғит олишга бериладиган талабномани расмийлаштиришда фойдаланилади.

Хўжаликнинг минерал ўғитга бўлган талаби қуидаги  
шакл бўйича тузилади:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

**Керакли материаллар:** Хўжаликда жорий этиладиган алмашлаб экиш учун ўғитлаш тизими. Хўжаликнинг йиллик режаси. Даланинг тарихи ёзилган журнал. Агрокимевий хаританома ва хўжаликнинг дала тупроқ харитаси. Тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ҳисобга олган холда белгиланган ўғитлаш меъёрига тегишли ўзгартириш киритиш учун зарур маълумотлар. Меъёрий хужжатлар. Минерал ўғитлар миқдорини шартли тукка қайта ҳисоблаш учун жадваллар. Микрокалькуляторлар.

1. Агрохимия, П/р проф. Б.А. Ягодина. М., Агропромиздат 1989.
2. Мусаев Б.С. “Ўғит қўллаш тизими” Республика ўқув услубиёт маркази. Т. 1998.
3. Ефимов В.Н., Донских И.Н., Синицин Г.И. Система применения удобрений. М, Колос, 1984.
4. Гулякин М.В., “Система применения удобрений”. М., Колос, 1977
5. Балашов Н.Н., Земян Г.С. Овощеводство. Т., “Узбекистан”, 1981.
6. Органические удобрения в интенсивной земледелии. П/р В.Г.Минеева. М., 1984.
7. Журналлар: Пахтачилик (Хлопководства), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги (сельское хозяйство Узбекистана).
8. Бўриев Ч “Ҳаваскор боғбонга қўлланма” .Т Шарқ 2002
9. Дерюгин И.П. , Кулюкин А.Н “Питание и удобрение овощных и цветочных культур”. М., Изд-во МСХА, 1998.
10. Овощные культуры (Энциклопедия семян). Составители: Вишняко ва Г.И., Васильев В.А., Колотилов В.Н., М. Вече, 2000.
11. Сайтлар:  
http://himiy.mnru  
http://www.chemistry.nonod.ru/nasdel/istory.htm  
http://www.akim.dp.mhhtm  
http://www.agro.Ru/msgs/ur/ru.htm  
http://www.himiy.ucor.Ru/index/1-0-0  
http://www.agho.com/nauka/plant/rachita/index.htm

Самарқанд ҚҲИ босмахонасида

чоп этилди.

Самарқанд шаҳар М.Улугбек кучаси 73-й